

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №15

2022 й. «1» 6

2022-186-5-73-ОВ-сон

Навбахор тумани

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси номидан «Низом»и асосида иш берувчи рахбари М.Абдуллаев бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Навбахор тумани йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан «Устав» асосида рахбари Д.Пирназаров иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги № ПК-3953- сонли «Давлат харидлари туғрисидаги қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари туғрисида»ги 2021 йил 22-апрелдаги УРҚ-684 сонли қонунига асосан Уз РТХБ нинг etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган Лот № 91269 сонли эълони ва Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси танлов комиссиясининг электрон овоз бериш йули билан утказилган танловга асосан ушбу пудрат шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1.1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган йулни жорий таъмирлаш. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик йул ва йуллар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини булиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига қура Сарбозор МФЙ Даврқургон қучасини асфалтлаштириш (жорий, капитал) урнатиш ишлари учун суммаси 480 000 000 (Турт юз саксон миллион) сум буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «31» май даги 91269-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, й^имлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда 480 000 000 (Турт юз саксон миллион) сум ни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда; ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда узгартирилмайди(қонунда қузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

3.3. қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

Қуриб чиқилган юрист: Shomurotov Ma'ruf Abdusamat o'g'li. Ҳужжат разами: EG2514075310

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва ёки

иб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили туғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек йул белгилари урнатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда йулнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сумда" узаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан утказилгандан кейин қучга қиради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 12 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (уттиз) фоизи миқдорида аванс утказди, бу 144 000 000 (Бир юз қирк турт миллион) сумни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқни узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.4. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш туғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупро ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш туғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг туғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги туғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан киритади.

8.6. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

8.7. қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

8.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.10. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдотисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган булса, ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.12. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қуча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб оқиниши, утқазилган синовлар, материаллар уз вақтида етқазиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши туғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) ақс ёттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф ётиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир ётса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун

обгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

10.1. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига қамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.2. Пудратчи нуесонлар ва чала ишлар қурсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоё этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган еурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор еилишга қарор қилган томон мазкур булим қоидаcига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

ртномавий-хукукий базаси туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

12.4. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектеурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XIV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

14.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қаноқланмайди.

14.2. "Буюртмачи" "Пудратчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қаноқланмайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам уз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳар қандай қилиб, "Пудратчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

XV АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва ОҒЗаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари уз қучини йукотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рўхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб қолмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай ақдлашувни асосланган ҳолда

мийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

15.8. Шартнома Газначилик бўлимидан рўйхатдан утгандан сунг қонуний кучга қиради ва амал қилиш муддати «31» декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

Навбахор туман йуллардан фойдаланиш У.К
(мол етказиб берувчининг номи)
Манзил: Навбахор тумани келачи МФЙ
Тел./факс: 79-562-12-68 79210-02-02
Ҳисоб варак: 20210000700428392001
Банк номи: Хамкорбанк Навоий шаҳар
МФО: 01064 СТИР: 200021221

Навбахор туман Ободонлаштириш бошқармаси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Навбахор тумани Бешробот кўрғони
Тел./факс: + 99879-562-0010
ш/х*: 401722860122307045204110001
Банк номи Марказий банк ХКМ Тошкент ш.
МФО: 00 014 СТИР: 204 591 294
Навбахор тумани буйича Газначилик бўлини маси
Ҳазна х/в 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00 014 СТИР: 204 591 294

ахбар



П. Пирназаров

Рахбар



М. Абдуллаев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ SH26505058

1. Loyihaning turi:

Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

PUDRAT SHARTNOMASI №15

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Navbahor tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi . 01.06.2022y.

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:


Keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan Navbahor tuman Hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan «Nizom»i asosida ish beruvchi **rahbari M.Abdullayev** bir tomondan, keyingi o'rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan Navbahor tumani yo'llardan foydalanish unitar korxonasi nomidan «Ustav» asosida rahbari ikkinchi tomondan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentabrdagi № PQ-3953- sonli "Davlat **D.Pirnazarov** xaridlari to'g'risidagi qarori xamda «O'zbekiston Respublikasining Davlat xaridlari to'g'risida»gi 2021 yil 22-apreldagi O'RQ-684 sonli qonuniga asosan O'z RTXB ning etender.uzex.uz axborot portaliga joylashtirilgan Lot № 91269 sonli e'loni va Navbahor tuman Hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi tanlov komissiyasining elektron ovoz berish yo'li bilan o'tkazilgan tanlovga asosan ushbu pudrat shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi,

O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-684-son Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-son “O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori 22-bandi talablari asosida tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me‘yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsulti



M.A.SHOMUROTOV

01.06.2022 yil

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 91269 на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог

Способ проведения электронный

Дата 31.05.2022

Время рассмотрения 31.05.2022 10:20

Конкурсная комиссия Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDULLAYEV MIROLIM G'AYRATJON O'G'LI	разббар	Навбахор туман Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	XAMRAYEV MAMURJON DAVLATOVICH	Инженер	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SAPARBAYEV ABBOS QO'RGANBOY O'G'LI	Нур булими бошлиги	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	OCHILOV VOSITJON YORMUXAMMADOVICH	Иктисодчи	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDULLAYEV AZIZ ALLANAZAROVICH	Касаба уюшмаси раиси	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	XASANOV ZAFARJON AXTAMOVICH	Мухандис	чилен
Член комиссии	SHOQULOV JAMSHID NAJMIDINOVICH	Тик кудуклар булими бошлиги	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SIDIQOV ABDIVAXOB BARAKAYEVICH	Бош хисобчи	Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.05.2022 года № лота 91269.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	484 713 915.00
Стартовая сумма	484 713 915.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилот гувоҳномаси ва устави нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот гувоҳномаси ва устави нусхаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОНИМЕХ ТЎФУ КОРХОНАСИ	25	484713915	17	Экспертная		
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	25	Хужжат илова килинди	23	Экспертная		

Критерий №2 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОНИМЕХ ТЎФУ КОРХОНАСИ	25	484713915	20	Экспертная		
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	25	Хужжат илова килинди	24	Экспертная		

Критерий №3 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОНИМЕХ ТЎФУ КОРХОНАСИ	25	484713915	19	Экспертная		
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	25	Хужжат илова килинди	25	Экспертная		

Критерий №4 Солиқдан қарзи йуқлиги тугрисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарзи йуқлиги тугрисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОНИМЕХ ТЎФУ	25	484713915	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОРХОНАСИ						
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	25	Хужжат илова килинди	24	Экспертная		

Критерий №5 Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОНИМЕХ ТЎФУ КОРХОНАСИ	25	484713915	21	Экспертная		
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	25	Хужжат илова килинди	25	Экспертная		

Критерий №6 Банк кредитлари буйича муддати утган қарздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фондларга, мулкларга таққ қуйилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк кредитлари буйича муддати утган қарздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фондларга, мулкларга таққ қуйилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОНИМЕХ ТЎФУ КОРХОНАСИ	25	484713915	21	Экспертная		
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	25	Хужжат илова килинди	23	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	484 713 915.00	480 000 000.00	30.05.2022 14:03:34	20.00
КОНИМЕХ ТЎФУ КОРХОНАСИ	484 713 915.00	484 713 915.00	30.05.2022 12:45:49	19.81

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по	Общий балл по	Итоговый


	технической части	финансовой части	балл
Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi	76.8	20	96.8
КОНИМЕХ ТЙФУ КОРХОНАСИ	62.9336	19.8055	82.7391

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 91269 от 31.05.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог определила победителем:

Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi
200021221

и резервный исполнитель: КОНИМЕХ ТЙФУ КОРХОНАСИ (200013904)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	OCHILOV VOSITJON YORMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANOV ZAFARJON AXTAMOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	ABDULLAYEV MIROLIM G'AYRATJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV AZIZ ALLANAZAROVICH	Согласен	
Член комиссии	SAPARBAYEV ABBOS QO'RGANBOY O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	SHOQULOV JAMSHID NAJMIDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	SIDIQOV ABDIVAXOV BARAKAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП